

ФАЛСАФА ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЛМИЙ БАШОРАТЛАШ КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Усарова Нигора Бердияровна

e-mail: usarovanigoraberdiyarovna@gmail.com;

тел.: +998998337026

Аннотация. Таълим парадигмалари асосида соҳани ривожланиши, унинг ҳозирги босқичидаги ижтимоий самарадорлигини тадқиқ этиши ва башоратлашни фалсафий-педагогик асослаш муаммоси долзарб ҳисобланади. Бўлажак педагогларнинг билим бериши ва уни назорат қилишида башорат этиши вазифаси, таълим-тарбиявий жараёни таъкил этиши ва унинг келажagini олдиндан кўра билиш, стратегик таҳлиллар асосида ахборотни олиш учун хизмат қилади. Ўқув жараёнининг ҳар босқичида ўқув материалининг маълум бўлаги бўйича мўлжалланган аниқ билим, малака ва кўникмалар етарлича шакллангани ёхуд шакланмаганлиги башоратини текшириш имконини беради. Шунингдек, мақолада талабаларнинг башоратлаш кўникмаларни фалсафа фанини ўқитиш асосида шакллантириш омиллари ёритиб берилган.

Калит сўзлар. Самарадорлик, кўникма, башоратлаш, қобилият, билим, фалсафа, ёндашув, компетенция, мақсад.

ФАКТОРЫ ФОРМИРОВАНИЯ УМЕНИЙ НАУЧНОГО ПРОГНОЗИРОВАНИЯ У СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ПРЕПОДАВАНИЯ ФИЛОСОФИИ

Аннотация. Актуальна проблема философско-педагогического обоснования развития сферы, её социальной эффективности на современном этапе на основе образовательных парадигм. Задача прогнозирования в обеспечении и контроле образования будущими

учителями служит организации образовательного процесса и предвидению его будущего, получению информации на основе стратегического анализа. Это позволяет прогнозировать, достаточно ли сформированы конкретные знания, квалификации и умения, предназначенные для определённой части учебного материала на каждом этапе обучения. В статье также рассматриваются факторы формирования у студентов навыков прогнозирования на основе философии преподавания.

Ключевые слова: *Эффективность, умение, прогнозирование, способность, знание, философия, подход, компетентность, цель.*

FACTORY FORMIROVANIYA U MENIYA NAUCHNOGO PROGNOZIROVANIYA U STUDENTOV AND PROCESSE TEACHING PHILOSOPHY

Abstract. *The actual problem of the philosophical-pedagogical justification of the sphere of development, the social effectiveness of the modern stage and the basis of the educational paradigm. Zadacha prognozirovaniya v obespechenii i kontrole obrazovaniya budushchimi uchitelyami slujit organizatsii obrazovatel'nogo protsesa i prevideniyu ego budushchego, poluchenyu informatsii na osnove strategicheskogo analiza. Eto pozvolyaet prognozirovat, sufficiently formed concrete knowledge, skills and skills, prednaznachennye dlya opredelyonnoy chasti chebnogo material na kajdom stage obucheniya. V state takje rassmatrivayutsya faktori formirovaniya u studentov navykov prognozirovaniya na osnove filosofii prepodavaniya.*

Key words: *Effektivnost, umenie, prognozirovanie, knobnost, znanie, philosophy, podkhod, kompetentnost, tsel.*

Фалсафада илмий башорат қилиш самарали педагогик жараённинг ажралмас қисми бўлиб, билимларни тизимлаштиришни, режаларни тузишни ва ўрганиш учун мақбул шароитларни яратишни таъминлайди. Ушбу жараён таълим талабларини илгари суриш ва мослаштиришга қаратилган кенг қўламли усул ва ёндашувларни ўз ичига олади ва шу билан

юқори сифатли ва таълим жараёнининг барқарор бўлишига ҳисса қўшади. Бугунги кунда талабалар нафақат олинган касбий билим ва амалий кўникмаларга эга бўлиши, балки танқидий фикрлаш, мустақил қарор қабул қилиш, ноаниқлик шароитида тез ҳаракат қилиш, самарадорли натижаларни кўрсатиш ва касбий вазифаларга ностандарт ечимларни топишга тайёр бўлган кўникмаларга эга мутахассислар бўлиб ривожланишлари зарур.

Файласуф олим, профессор Н.Мухаммадиев касб хусусиятларидан келиб чиқиб фалсафий фанларни “табиат фалсафаси, техника ва информатсион технологиялар фалсафаси, тиббиёт фалсафаси, иқтисодиёт рақобат фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси, ҳарбий жанг санъати фалсафаси, ахборот хавфсизлиги ва технологиялари фалсафаси, маданият ва санъат фалсафаси, таълим ва тарбия фалсафаси, тарих фалсафаси, сиёсат фалсафаси” тартибда ўқитишни таклиф қилади [3].

Ҳиндистонда, Эронда, Афғонистонда ижод қилган Марказий Осиёлик файласуф ва мутафаккирлар орасида муҳим ўринни Мирзо Абдул қодир Бедил эгаллайди. У 1644 йилда Ҳиндистоннинг Азимобод шаҳрида туғилган ва умрининг охирига қадар Ҳиндистонда фан ва адабиёт билан шуғулланган. Бизга унинг “Чор унсур”, “Нуқот”, “Ирфон” каби фалсафий асарлари ҳамда адабиётшуносликка оид бир қатор асарлари етиб келган.

Бедил фалсафасида инсоннинг билиш имкониятларини тадқиқ қилиш алоҳида ўрин эгаллаган. Унинг фикрича билишнинг биринчи босқичи, унинг моҳияти ва имкониятлари инсоннинг ҳиссий сифатлари билан узвий боғланган. Инсоннинг ҳиссий сифатлари индивидуаллик характериға эга. Шу боис ҳар бир инсон чегараланган ҳиссий имкониятларға ва ҳиссий олам дунёсига эга. Ақл, тафаккур эса Бедил фикрича тафаккурнинг мукамал юқори босқичи ҳисобланади.

XVII-XVIII асрлар фалсафасида Бобораҳим Машраб (1640-1711)нинг ижтимоий-фалсафий қарашлари алоҳида аҳамиятға эгадир.

Машраб фақат оташзабон ижодкор сифатида эмас, балки айни замонда адолатсизлик жаҳолат билан асло келиша олмайдиган довюрак шахс сифатида эл орасида жуда катта ҳурмат ва эътиборга эга бўлган шахсдир. Унинг ўз асарларини тўплаб девон ёки бирор мажмуа тузганлиги маълум эмас. У ижодидаги ижтимоий мазмундорлик ва кучли танқидий йўналиш шоирнинг илғор дунёқараши, халқчил фалсафаси, замонасидаги салбий воқеа-ҳодисаларга аниқ танқидий муносабатидан шаклланган. Машраб қолдирган ижодий меросда диний ва тасаввуфий ғоялар ҳам ўша замонда кенг тарқалган қаландарлик тариқатининг айрим оҳанглари ҳам сезиларли ўрин эгаллайди.

Демак, агар илгари мутахассиснинг малакаси у томонидан маълум билим ва кўникмаларни эгаллашни назарда тутган бўлса, энди эса янги ижтимоий эҳтиёжлар асосида шахснинг универсал қобилиятларини мақсадли ривожлантиришни ўз ичига оловчи башоратлаш кўникмаларига ҳам эга бўлишлари зарур [5].

Жаҳонда таълим соҳаси ривожланишининг ҳозирги босқичида таълимнинг ижтимоий самарадорлигини тадқиқ этиш ва башоратлашни фалсафий-педагогик асослаш муаммоси долзарб бўлиб бормокда. Талабаларнинг башоратлаш кўникмаларни фалсафа фанини ўқитиш асосида шакллантириш - махсус ташкил этилган, ҳаракатга етакловчи қобилиятларнинг мақсадли ривожланиш жараёни бўлиб, педагогик воқелик объектлари ёки субъектларининг илмий ривожланишидаги эҳтимолий тенденцияларига асосланади. Маълумки, таълим натижаси ўқув жараёнининг иккита етакчи таркибий қисмларининг нисбатига боғлиқ: билимларни эгаллаш (бизнинг ҳолатимизда — илмий башорат асосларини ўзлаштириш) ва таълим оловчиларини ривожланиши (фикрлаш жараёнларини ривожлантириш) [2].

Талабаларнинг башоратлаш кўникмаларни фалсафа фанини ўқитиш асосида шакллантириш омиллари тизими 3 та элементлардан иборат:

1) билим компоненти (самарали педагогик жараённинг ажралмас қисми сифатида башоратлаш тўғрисидаги билимлар тўплами);

2) фаолият компоненти (башоратлаш кўникмалари тўплами, башоратлашдаги касбий ва амалий тажриба);

3) мотивация компоненти (башоратлаш компетенцияси мазмунига тўлақонли қараш, аҳамиятини тушуниш ва башоратлаш компетенциясини шакллантиришга тайёрлик) [2].

Билим компоненти башоратлаш соҳасидаги билимлар тўпламининг самарали педагогик фаолиятдаги ажралмас қисми сифатида намоён бўлади. Ўқув-билиш компетентлигини такомиллаштириш мезонлари сифатида қуйидаги кўникмаларга эга бўлиш лозим: мақсад қўйиш ва унинг имкониятларини ташкил этиш, ўз мақсадини тушунтириш кўникмаси; билиш вазифаларини шакллантириш ва фаразларни киритиш; ўзининг ўқув-билиш фаолиятини таҳлил қилиш; мустақил равишда билимлар олиш; ўз ўқув-билиш фаолиятида рефлексия (акс таъсир)ни амалга ошириш; ўзларининг ўқув-билиш фаолиятида ўзи-ўзига баҳо бериш; ўз тадқиқотларининг натижаларини оғзаки ва ёзма равишда тақдим этиш.

Ижтимоий-меҳнат компоненти — илмий асосланган прогнозлар асосида касбий фаолиятни режалаштириш; фаол ўқув ва когнитив фаолият жараёнида янги башоратлаш тажрибасини шакллантириш; педагогик фаолиятда башоратлашдан фойдаланиш тўғрисида хабардорлик [6].

Қийматли мазмун ва мотивация компонент — мотивация шахс фаоллиги, хулқи ва фаолиятини тартибга солувчи муҳим омил сифатида барча инсонларда қизиқиш уйғотади. Шу маънода мотивация психологияси меҳнат объекти бўлиб инсон турадиган (шифокор, педагог, менежер ва бошқарувчилар каби) социоэкономик тип касб вакиллари учун алоҳида аҳамият касб этади [4]. Башоратлашдаги мотивация компоненти кундалик педагогик амалиётда башоратлашни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш зарурати кўринишида келади.

Самарали таълимдаги башоратлашнинг кейинги омиллари муҳим ўрин тутди:

Янги технологияларга мослашиш. Башоратлаш ўқитувчиларга доимий ўзгарувчан технологик талабларга мослашишга имкон беради. Келажакдаги тенденцияларни билиш янги таълим технологияларини бирлаштиришга ёрдам беради, бу эса янада самарали ўрганишга олиб келади.

Талабаларнинг якунловчи билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ҳамда ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларда ахборот технологияларини қўллаш натижасида уларнинг дидактик талабларга мослигини ҳақиқийлигини назорат қилиш мумкин. Унда педагогик ташхис талабалар билим, малака ва кўникмаларини шаклланиш даражасини аниқлашни, назорат қилишни, баҳолашни, йиғиш ва статистик маълумотларнинг таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади.

Шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш. Илмий башоратлаш ҳар бир талабанинг эҳтиёжларини таҳлил қилишни ўз ичига олади, бу шахсийлаштирилган таълим дастурларини яратишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида вақт ва ресурслардан самарали фойдаланишга ёрдам беради, ҳамда талабаларнинг мотивациясини ва қизиқишларини оширади.

Меҳнат бозорининг таълим талабларини олдиндан билиш. Таълим соҳасида башоратлаш ўқув дастурларини меҳнат бозори талабларига мослаштиришга имкон беради. Бу битирувчиларга нафақат назарий, балки амалий кўникмаларни ўргатишга ва рақобатбардош кадрларни тайёрлашга кўмак беради.

Ўқув жараёнини оптималлаштириш. Келажакдаги ўзгаришларни билиш ўқув жараёнларини оптималлаштиришга, муаммоларнинг олдини олишга ва ўқитишнинг самарали усулларини йўлга қўйишга имкон беради.

Ўқитиш жараёнида ташхисий текширишлар маълум даражада самарали методикани танлашга ёрдам бериши билан муҳим саналади. Билимларни назорат қилишда, унинг башорат этувчи вазифаси, таълим-тарбиявий жараён ҳақида, унинг келажаги, яъни олдиндан кўра билиш мумкин бўлган ҳолати тўғрисидаги ахборотни олиш учун хизмат қилади. Ўқув жараёнининг ҳар босқичида ўқув материалининг маълум бўлаги бўйича мўлжалланган аниқ билим, малака ва кўникмалар етарлича шакллангани ёхуд шаклланмаганлиги башоратини текшириш имконини беради. Маълум илмий башорат бўйича эришилган натижалар талабаларнинг келажакдаги фаолиятлари моделини яратиш учун қўлланилади. Бундай башорат келажакда ўқитишни режалаштириш ва амалга ошириш учун аниқ хулосалар олишга катта кўмак беради [1].

Механизм — бирор нарсанинг ўзаро боғлиқ бўлган ва яхлитликни ташкил этувчи қисмлари [7].

Илмий башоратлашни шакллантиришнинг механизми бир бирини тўлдириб турувчи 2 та жараёнларини ўз ичига олиши лозим — ўрганиш ва ривожланиш:

1) информацион блок — ахборот-башоратлаш учун асос бўла оладиган билимларни ўзлаштиришга қаратилган (масалан, талабаларнинг шахсиятини ривожлантириш тўғрисидаги билимлар), ассоциатив таълим механизмлари орқали амалга оширилади;

2) фаолият блоки — операцион таркибий қисмларини ўзлаштиришга қаратилган технологик фаолият, алгоритм механизмлари асосида амалга оширилади;

3) интеллектуал-ижодий блок — фаолиятни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган фикрлаш жараёнларининг фазилатларини мақсадли ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ижодий механизмларга асосланади.

Айтиб ўтилган блокларнинг шаклланиш механизмлари бўлажак ўқитувчи ва талаба ўртасидаги таълим мақсадлари, мазмуни ва воситалари билан бирликда ўзаро таъсир қилиш усулларида акс этади [2].

Башоратлашнинг ушбу йўналишларини ривожлантириш учун бир қатор стратегиялар таълим жарёнига интеграция қилиниши мумкин. Масалан, башоратлаш соҳасига оид муаммоли вазифа ва вазиятларни тузиш ва ечиш усулида ҳар бир иштирокчи (педагог ва талаба) жараёнга жалб қилинади ва муҳокама икки томонлама олиниб борилади. Бунда мунозара иштирокчилари ўз позицияларини аниқ ва равион кўринишда баён этиш, нотиклик, қисқа муддатда ечим топиш, муаммога ҳар хил тарафдан қараш ва таҳлил қилиш қобилиятлари устида ишлашади ва уларни такомиллаштиришади.

Талабаларнинг башоратлаш кўникмаларни фалсафа фанини ўқитиш асосида шакллантириш омиллари педагогик назария ва амалиётнинг кўплаб муаммолари билан боғлиқ. Булар фалсафий таҳлил, педагогик билимларни ва педагогик билиш жараёнларини тушуниш билан боғлиқ муаммолар, таълимнинг ижтимоий самарадорлигини тадқиқ қилиш ва башоратлашнинг услубий асослари, педагогик башоратлашни шакллантириш ва ривожлантириш қонуниятлари, башоратлаш моделларини қуришнинг умумий шартлари, педагогик башоратлашнинг умумий илмий ва хусусий тамойиллари, педагогиканинг асосий парадигма ва стратегияларининг қиёсий тарихий-педагогик таҳлили, педагогик назария ва амалиётда таълимнинг ижтимоий самарадорлигини ривожлантириш, таълимнинг ижтимоий самарадорлигини башоратлаш тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, турли ғоявий, фалсафий ва педагогик асосларга қурилган таълимнинг ижтимоий самарадорлигининг хорижий ва маҳаллий моделларини танқид қилиш ва бошқалардан иборат. Бугунги ўзгаришлар шароитида ижтимоий динамиканинг етакчи тенденцияларини тавсифлашга қаратилган динамик ёндашув, нисбий барқарорлик шароитида ижтимоий

жараёнларнинг табиати ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини берадиган статик ёндашув ва вазиятни очиб берадиган муаммоларни қўшиш фанлараро билимлар тизимидаги педагогик башоратлашни назарда тутати. Шунингдек, талабаларнинг башоратлаш кўникмаларни фалсафа фанини ўқитиш асосида шакллантириш омиллари “билим” ҳодисасини қайта таърифлаш (билимнинг бундай қисмлари мураккаб фанлараро, трансдисциплинар ва фанлараро билимлар), билимларни қайта талқин қилиш натижасида пайдо бўлган фанлараро хусусият ва кўп ўлчовлилик, нисбийлик муаммолари, замонавий таълим тизимларининг сифати ва самарадорлиги, педагогик прогностика соҳасидаги илмий тадқиқотларда иштирок этиш муаммоларини ҳал қилишни ўз ичига олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Джураева Р.Б. Талабаларни ўқитишда билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш. O'zbekistonda fanlararo innovatsiyalar va ilmiy tadqiqotlar jurnali, 2022/13. Б. 106-107.
2. Захаров А.В. Механизмы формирования прогностических умений у будущих учителей. Сибирский педагогический журнал, 2009. Б. 270.
3. Мухаммадиев Н.Э. Мустафаев У.У.
4. Олий ўқув юртларида фалсафа фанини ўқитишни тубдан ислох қилиш-давр талаби. //Янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий тарққиётни жадаллаштиришнинг фалсафий муаммолари мавзусидаги вазирлик миқёсида ўтказилган онлайн илмий-амалий анжуман.- Термиз 2020 й.
5. Нисанбаева А., Чиналиева А.. Шахс фаолиятида мотивациянинг аҳамияти. Science and innovation, 2022. Б. 781.
6. Степанова Л.Н. Педагогическое образование в России, 2017/11. Б. 109-110.

7. Сайфуллина Н.А. Структурно-содержательная характеристика прогностической компетентности студентов педагогической магистратуры, 2020/4. Б. 74.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 584 б.

